

"Бўстон" маҳалласида ёшлар муаммо ва таклифлари ўрганилди.



Қумқўрғон тумани " Бўстон" маҳалласида "Ҳоким ва ёшлар учрашуви" бўлиб ўтди. Учрашувни Ёшлар ишлари бўйича ҳоким ўринбосари Н.Алланазаров ўтказди. Унда ёшлар муаммо ва таклифлари ўрганилди. Учрашувда 20 дан ортиқ мурожаатлар ўртага ташланди.

Хусусан, икки нафар ёшлар Каримов Ўрал ва Тожиев Йўлдош ишга жойлаштиришни сўраб мурожаат қилган эди, мурожаатлари шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Ҳар бир мурожаат назоратга олиниб, ижроси бўйича тегишли масъулларга йўналтирилди.